



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ КАДРЛАР СИЁСАТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

Жуманов Тўлқин Саттарович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш
департаменти бошлиғи ўринбосари
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8022356>

ARTICLE INFO

Received: 01st June 2023

Accepted: 09th June 2023

Online: 10th June 2023

KEY WORDS

Милиция, кадрларни
тайёрлаш, Халқ
Комиссарлиги, милиция
ходимларини танлаш,
ўқитиш механизмларини.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ўзбекистон ССР милиция тизимининг кадрлар сиёсати билан боғлиқ тарихи мазкур мавзуга алоқадор манбалар ва тадқиқот ишлари таҳлили асосида тизимли ёритиб берилган.

Мамлакатимиз ички ишлар органларининг кадрлар билан боғлиқ бугунги сиёсати ўзининг бой тарихига эга ва унга қўйилган тамалтошларининг асоси Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши билан бевосита боғлиқ. Тарихнинг ушбу қисмини ўрганишни эса 1917 йилдаги февраль тўнтаришидан кейинги жараёнлар бошлаш мақсадга мувофиқ. Тўнтаришдандан сўнг совет ҳукумати илгари халқ орасида тинчлик ва осойишталикни назорат қилган полиция ва жандармерия хизматидан воз кечади ва унинг вазифасини вақтинча халқ милицияси бажара бошлайди. Жойларда эса ўлка ва уездлар ишчи-деҳқон кўнгилли милицияси ташкил этилган [1].

1917 йил 10 ноябрда ички ишлар бўйича халқ комиссарияти(НКВД)нинг “Ишчилар милицияси” тўғрисидаги қарори қабул қилинди ва бу органнинг фаолияти қонуний кучга кирди. Ушбу қарорга мувофиқ, ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятлари ишчи милицияни қурол-яроқлар ва уларни тегишли техник кучлар билан таъминлаш керак эди. Ишчи ва аскарлар депутати кенгашлари ишчи милиция штатларини тасдиқладилар. Милиция ўз вазифаларини советлар номидан амалга оширган ва давлат органи сифатида ҳаракат қилган. Шунга қарамай, милицияда доимий ишлайдиган ходимлари деярли бўлмаган ва асосан меҳнаткаш, кўнгилли хаваскорлар тегишли ташкилотлардан олиниб жалб этилган [2].

Ўша даврларда шаҳар милициясида хизмат қилиш учун номзодга қуйидаги талаблар қўйилган: “... 25 ёшдан кичик бўлмаслик, бўйи 171 см.дан кам бўлмаслик, яхши кўринишга эга бўлиш, жисмонан кучли, соғлом, нутқи равон, ҳарбий хизматни ўтаган ва армия захирасида бўлганлар” [3].

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ишчилар ва деҳқонлар милицияси таркибида кадрлар аппаратлари ҳали мавжуд эмас эди ва ходимларни танлаш, жой-



жойига қўйиш ва кўчириш функциялари округ (уезд) даражасида – округ (уезд) милицияси ва вилоят (губерния) даражасида – советларнинг вилоят (губерния) ижроия қўмиталарига топширилган. Айнан шу вақтда кадрларни ҳисобга олишнинг маълум бир тизимини яратиш зарурати юзага келган ва 1918 йил 1 июлда НКВДда кадрларни қабул қилиш, ишдан бўшатиш, кўчириш ва хизмат ўташ тартиби билан боғлиқ “ходимлар ҳисобини юритиш жадвали” яратилди [3].

1918 йил 13 октябрда “Совет ишчи ва деҳқон милициясини ташкил этиш тўғрисида”ги (НКВД ва НКЮ) қўшма йўриқноманинг қабул қилиниши милиция органларининг ташкилий тузулмасини мустақкамлашга, кадрлар билан боғлиқ фаолиятни маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини ривожлантиришга ёрдам берди. Мазкур йўриқномада милицияга кадрларни танлаш ва тайинлашда синфий ёндашув принципи мустақкамланиб, янада ривожлантирилди. Уша даврда туман ва шаҳар милиция бўлимларида кадрларни ҳисобга олиш тизими мавжуд бўлиб, бунда милиция ходимларини ҳисобга олишнинг қўлёзма китоблари юритилган ва ҳар бир ходим учун алоҳида алифбо тартибидаги картаси ҳам тузилган. Милицияга ишга олишда номзоднинг умумий ва харбий тайёргарлиги, сиёсий онги даражаси ҳудудий тегишли милиция органи раҳбари томонидан текширилган ва ишга қабул қилинган. Ўша вақтларда танловда қатнашган номзодларнинг барчаси ҳам талабга жавоб бермаган, лекин милицияда кадрлар кескин танқис бўлганлиги сабабли деярли номзодларнинг ҳаммаси ишга қабул қилинган [4].

Мазкур қўшма йўриқномага мувофиқ, совет милициясига хизматга кириш эркин бўлган, лекин хизматга киргандан кейин бир йил ишлаш мажбурияти белгиланган. Совет милициясига:

- а) Россия Социалистик Федератив совет Республикаси фуқаролари;
- б) 21 ёшга тўлганлар;
- в) саводи тўлиқлар;
- г) совет Конституциясига биноан депутатлар Советларига фаол ва пасив сайлов ҳуқуқидан фойдаланадиганлар;
- е) совет ҳокимиятини тан олганлар ишга кириши мумкин бўлган.

Қуйидаги шахслар совет милициясига ишга кириши таъқиқланган:

- 1) жиноят содир этишда айбланиб, тергов қилинаётган ва судланаётган шахслар;
- 2) суд томонидан муомала лаёқати чекланган ёки муомала лаёқатидан маҳрум этилган, шунингдек ўғирлик, фирибгарлик, ишониб топширилган мулкни талон-тарож қилиш, қалбакилаштириш, товламачилик, порахўрлик, судхўрлик, чайқовчилик билан шуғулланувчилар;
- 3) меҳнати билан ишлаб топилмаган даромадга яшовчилар, яъни капиталдан ёки бирон бир мулкдан даромад олувчилар;
- 4) барча хусусий савдогарлар ва савдо воситачилари;
- 5) вазирлар ва агентлар, собиқ жандармерия бўлимлари ва собиқ полициянинг сафдошлари, шунингдек собиқ император уйи аъзолари;
- 6) белгиланган тартибда руҳий касал, кар-соқов деб тан олинган шахслар [5].

1918 йил 29 январда Туркистон Халқ комиссарлари кенгашининг 17-сонли “Захира кадрларини яратиш ва милицияни қайта ташкил этиш тўғрисида”ги



буйруғи эълон қилинди. Янги милицияни ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш ишига раҳбарлик қилиш учун 1918 йил 30 январда “Туркистон ўлкаси шаҳар ва туманлари милиция инспектори бошқармасининг бўлими” ташкил этилди. 1918 йилнинг февраль ойида барча уезд, шаҳар ҳамда волостларда милиция органлари ташкил этила бошланди [6].

Шунингдек, 1919 йил 26 июнда Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссариатининг «Россия Совет Федерациясининг Туркистон Республикасидаги Совет ишчи-деҳқон милицияси тўғрисидаги Низом»и қабул қилинди. Ушбу Низомда ҳам совет милициясига хизматга кириш талаблари сақланиб қолинган.

1920 йилнинг охирига келиб Туркистон АССР ҳудудида 34 та шаҳар, 26 та уезд ва 92 та район милиция бўлимлари мавжуд эди. Туркистонда Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузурида Милиция Бош бошқармаси таъсис этилгандан кейин унинг таркибида жиноят қидирув, темир йўл, саноат, сув ва маҳкама милицияси бўлимлари тузилди, шу билан бирга, ўлкадаги сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, Туркистонда авж олаётган совет режимига қарши қуролли ҳаракатга қарши курашиш учун махсус кўнгилли милиция отрядлари ҳам (асосан маҳаллий аҳоли ҳисобига) ташкил этилди. Ишчи-деҳқон милицияси жиноятчиликка қарши курашиш билан бир қаторда Марказ томонидан Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлигига юборилган қарор, буйруқ, фармойиш ва кўрсатмаларни ҳаётга татбиқ этишда асосий роль ўйнади. Шу билан бирга, ҳудудимизда дастлаб ишчи-деҳқон милициясининг фаолияти кўплаб зиддиятли ҳолатлар билан кечди, бир томондан, мавжуд тузум ундан ўз ҳокимиятини амалга оширишда асосий бўғин сифатида фойдаланган бўлса, иккинчидан, милиция органларининг асосий вазифаси бўлмиш халқ осойишталигини таъминлаш борасидаги фаолияти ҳам қониқарли даражада олиб борилмади. Милиция ходимларининг билим ва малакасининг пастлиги, уларнинг етарли тажрибага эга эмаслиги, моддий таъминот масаласидаги муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги оқибатида милиция сафларида порахўрлик, тамагирлик, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ва ичкиликбозлик сингари ёмон иллатлар ҳам кучайиб кетди. Асосан марказдан тайинланган милиция бошлиқларининг маҳаллий аҳолининг тилини, урф-одатларини билмаслиги, халқ мурожаатларига беписанд муносабатда бўлиши, маҳаллий кадрларнинг камлиги халқнинг милицияга бўлган ишончини сўндириб борди. Бу каби салбий ҳолатлар совет тузумининг кейинги даврларида ҳам кузатилган [7].

Совет милицияси ривожланишининг янги босқичи 1922 йил 24 майда РСФСР НКВД тўғрисидаги Низомининг қабул қилиниши ва у билан “Ишчи ва деҳқон милицияси тўғрисида”ги Низом бекор бўлишидан бошланди. Чунки, ушбу Низом сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар натижасида мамлакатда юзага келган вазиятга мос келмади. Янги Низомга мувофиқ, ҳисоб ва ҳисобот статистик ишлар милиция бўлими томонидан амалга оширилган [8].

1922 йил 23 ноябрда РСФСР Марказий ижроия қўмитасининг “Милиция ходимларини қайта кўриб чиқиш ва уларни қайта тайёрлаш тўғрисида”ги қарори ва РСФСР Марказий ижроия қўмитасининг “Милиция ходимларини қайта кўриб чиқиш ва уни тўлдириш тўғрисида”ги буйруғи милиция ходимлари билан ишлаш, ходимларнинг



сифат даражасини ошириш ва унинг сафларини тўлдиришга қаратилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ижрога қаратилди [9].

1922 йил 29 декабрь куни Республика милицияси бошлиғининг 602-сонли бўйруғи билан милиция ходимларини шахсий ҳисобга олиш қоидалари тасдиқланди. Уларга кўра, шахсий ҳисоб НКВД умумий бошқармаси ходимларининг иш юритувида, НКВД бухгалтерия ва тарқатиш бўлимида, маъмурий вилоят, вилоят ва вилоят ижроия кўмиталарининг умумий бўлимида ва округ милиция идорасида юритилиб борилди. Бухгалтерия ҳисобининг асосий ҳужжатлари шахсий варақалар ва бухгалтерия карталари, шунингдек ходимларнинг батафсил руйхатидан ташкил топганди. Уларда ҳисобга олинган шахслар ҳақида зарур маълумотларни жамлашга қаратилган эди. Шундай қилиб, 1922 йилдан бошлаб бирламчи кадрлар ҳисоби йўлга қўйилди [10].

1924 йилда НКВД кадрлар базасини, ходимларни ҳисобга олиш тартиби ва техникасини ишлаб чиқиш учун РСФСР НКВД таркибида бухгалтерия ва тарқатиш бўлими ташкил этилди. 1924 йил 20 октябрдаги “НКВД бухгалтерия ҳисоби ва тақсимлаш бўлими ва масъул ходимларни ҳисобга олиш материаллари тўғрисидаги” Низомга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва тақсимлаш ишларини бошқариш вилоят маъмурий бўлими бошлиғига топширилди [11].

Ўша вақтларда ҳам совет милиция ходимларини танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш механизмларини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланган. РСФСР НКВД раҳбарияти милиция ходимларини фақат миллий партия ва профессионал ташкилотлар кўмагида танлаш мумкинлигини таъкидлаган. Шу мақсадда 1929 йил 4 июлда ишчи ва деҳқон милициясини тўлдириш ва унинг ижтимоий таркибини тартибга солиш бўйича кўрсатма кучга кирди. 1929 йил ноябрь ойида РСФСР НКВД милициясини бошқариш тўғрисида Низом қабул қилинди [12].

РСФСР НКВД тизимида кадрлар тайёрлаш бўйича ягона марказ мавжуд бўлмаган, бу эса Совет давлатининг умумий ривожланиш тенденцияларига мос келмади ва ишда муйян қийинчиликларга олиб келди. РСФСР НКВД бухгалтерия ва тарқатиш бўлими кадрларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш билан шуғулланган, кичик бир ходимга эга эди ва кадрлар тайёрлашга етарлича эътибор беролмади. Шу муносабат билан 1930 йил 11 июлда “Бухгалтерия ва тарқатиш бўлими” РСФСР НКВД “Кадрлар бўлими”га айлантирилди ва бу бўлим кадрларни танлаш, тайёрлаш, ўқитиш, ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўйича ягона орган сифатида ташкил этилди [13].

Ходимларни бошқаришни ташкил этиш НКВД ва унинг маҳаллий органларининг масъул ходимларининг шахсий ҳисобини марказлаштиришни талаб қилди. Шунинг учун, НКВДнинг 1930 йил 2 августда “Номенклатура лавозимлари, ходимларни ўрганиш, ҳисобга олиш ва тақсимлаш ва Халқ комиссарлиги, маъмурий ва коммунал органларининг барча ходимларини ҳисобга олиш бўйича” 402-сонли кўрсатмаси кучга кирди [14].

Урушдан олдинги йилларда марказда ва жойларда НКВД органларининг кадрлар аппарати таркиби янада такомиллаштирилди, уларнинг кадрлар билан ишлашдаги роли ва масъулияти кучайтирилди. СССР НКВД бўйруғи билан “СССР НКВД кадрлар бўлими тўғрисида”ги Низом эълон қилинди. Низомга мувофиқ, кадрлар бўлими СССР



НКВД Марказий аппарати бўлиб, НКВД ходимларини танлаш, тайёрлаш, жойлаштириш, кўчириш, ишдан бўшатиш масалалари бўйича ўз вазифаларини бажариш учун яратилган. СССР НКВД кадрлар бўлими ички ишлар Халқ Комиссарлигининг бош бошқармалари (бўлимлари) кадрлар бўлимларини бошқарган [15].

1936 йил 3 июль куни собиқ совет иттифоқининг марказий ижроя қўмитаси томонидан милиция органларида кадрлар билан ишлашга доир СССР НКВДнинг “Ишчи ва деҳқон милиция таркибининг хизмат ўташ тўғрисида” Низоми қабул қилинди [16]. Ушбу низом билан номзодларни милицияга ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш тартиби ва милиция бошлиқларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди. Ўша вақтларда милиция ходимларининг саводини ошириш ва кўп қиррали мутахассис сифатида шакллантириш мақсадида уларнинг касбий тайёргарлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди [17].

1931 йилгача “Ишчилар милицияси” маҳаллий ҳокимият органи тизимида фаолият кўрсатган бўлса, сўнг маҳаллий халқ комиссариятлари ва 1946 йилда эса собиқ совет давлатининг Ички ишлар вазирлиги тизимига марказлаштирилди [18].

Иккинчи жаҳон уриши ички ишлар органларининг кадрлар сиёсатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Уришнинг дастлабки кунидеёқ энг тажрибали ва малакали кадрларнинг 25 фоизи фронтга кетган ва уларнинг аксарияти уришдан кейин қайтиб келмаган. Ўқув муассасаларида ички ишлар органлари учун тайёрланадиган кадрлар сони ҳам икки баробарга қисқартирилган [18].

Иккинчи жаҳон уришидан кейин ички ишлар органларида кадрлар сиёсатига оид муаммолар юзага келган. Ички ишлар органларига энг аввало иккинчи жаҳон уришида немис-фашистларга қарши мардонавор курашган шахслар билан, қолган вакант жойларга эса хизмат ўташга нолойиқ бўлган шахслар: инвалид, пенсионер, аёллар ва бошқа шахслар билан ҳам жамланган. Жамланган ходимларнинг 3,9% тугаланган ёки тугалланмаган олий маълумотли, 64,4% ўрта мактабнинг бошланғич синф маълумотига эга бўлган. Сифатли ва малакали кадрлар билан жамланмаганлиги натижасида НКВДнинг махсус инспекцияси томонидан 42849 нафар ходимга нисбатан жиноят иши қўзғатилган ва улар тергов қилиниб, тегишли жиноий жавобгарликка тортилган [19].

1946 йил март ойида “Халқ комиссарлар кенгашини СССР министрлар кенгашига ўзгартириш тўғрисидаги” қонунга мувофиқ, СССР ИИХН (НКВД)нинг номи ИИБ (МВД) СССР га ўзгартирилди [20].

1947 йил февраль ойида СССР ички ишлар вазирлигининг милиция бош бошқармасида кадрлар бўлими, жойларда, республика ва вилоят милиция бошқармаларида ҳам кадрлар бўлими ташкил этилди. 1947 йил 22 июлда СССР ички ишлар вазирлигининг кадрлар бошқармасида ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажаришда, шунингдек хизматдан ташқари вақтда содир этилган ҳуқуқбузарликларни текшириш учун махсус инспекция ташкил этилди.

Ички ишлар органларида кадрлар билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ҳақида сўз борганда яна собиқ СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1962 йил 15 февралдаги “Милиция ва халқ



дружинникларининг хаёти, соғлиғи ва қадр-қимматиға тажовуз қилганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони, собиқ СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1973 йил 23 октябрь кунидаги “Ички ишлар органларининг сафдор ва бошлиқлар таркибининг махсус унвонлари тўғрисида” Фармони, собиқ СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1973 йил 8 июль кунидаги “Жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлашда совет милициясининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида”ги Фармони, собиқ СССР ИИВнинг 1975 йил 1 августда кучга кирган ички ишлар органларининг оддий ва бошлиқлар таркибидаги кадрлар билан ишлаш бўйича қўлланма ва бошқаларни [21] мисол қелтириш мумкин.

1962 йил 17 августда “Совет милицияси тўғрисида”ги Низом қабул қилинди, унда ўзгарган тарихий шароитларни ҳисобга олган ҳолда милициянинг асосий вазифалари, унинг давлат органлари тизимидаги ўрни ва роли яна ҳам аниқлаштирилди. Милиция ходимларини танлаш, уларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ янги ёндашувлар зарурати юзага келди. Шу боис ички ишлар вазирлиги кадрлар бошқармаси таркибида кадрлар бўйича махсус инспекция билан бир қаторда сиёсий ва тарбиявий ишлар бўлими ташкил этилди. Кадрлар бошқармаси таркибига кирувчи тарбиявий ишлар бўлими совет милицияси ходимларини тарбиялашда ўз самарасини берди, чунки улар милицияда хизмат қилган кўплаб инсонларнинг онги ва хатти-ҳаракатларини ўзгартириб, совет давлатига содиқ бўлган ва хизмат бурчини виждонан бажарадиган ҳақиқий фуқарони тарбиялашга муваффақ бўлишди [22].

Ички ишлар тизимида кадрлар билан ишлаш хизмати Совет давлатининг эҳтиёжларига тўлақонли жавоб бера олди ва уларга қўйилган вазифаларни тўлиқ бажарди. Кадрлар хизматнинг бундай тузилмаси 1991 йилгача ўзгаришсиз қолди.

Собиқ иттифоқ Вазирлар Кенгашининг 23 йил 1973 октябрда “Ички ишлар органларининг оддий ва раҳбарлар таркиби хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида ички ишлар органларида хизматга ходимларни танлаш жараёнида номзодларга қўйиладиган талаблар тасдиқланди. Мазкур Низомнинг 3-6-бандларига мувофиқ “18 ёшдан кичик бўлмаган, ахлоқан етук, социалистик Ватанга ва коммунистик қурилиш ишларига ўзини бағшида этган, зарур тайёргарликка эга ва ҳарбий хизматга яроқли соғлом фуқаролар СССР ички ишлар бўлимларига хизматга қабул қилинади” [23] деб белгиланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, 1917-1991 йилларда совет милициясининг кадрлар аппаратларини шакллантирилиш жараёнини уч даврга ажратиш мумкин:

- 1) 1917 йил октябрдан (совет давлати ва совет милициясининг шаклланиши) – 1923 йилгача (маъмурий ислохотларнинг бошланиши) бўлган давр: кадрлар билан ишлашнинг дастлабки ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди;
- 2) 1924 йилдан (РСФСР НКВД бухгалтерия тарқатиш бўлими) 1930 йилларнинг охиригача (1939 йил 3 майдаги РСФСР НКВД кадрлар бўлими тўғрисидаги Низомининг қабул қилиниши) бўлган давр: кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши;
- 3) 1940 йилдан 1991 йилгача бўлган давр: кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиши.



Шундай қилиб, совет милицияси ривожланишининг дастлабки даврида кадрлар билан ишлашнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Совет милициясининг кадрлар аппаратлари генезиси куйидаги хусусиятлар билан ажралиб турганлигини эътироф этиш мумкин: биринчидан, кадрлар аппаратларининг пайдо бўлиши совет милициясини миллий миқёсда марказлаштириш тенденциялари билан боғлиқ бўлиб, у тоталитар давлатнинг таянчига айланиши керак эди; иккинчидан, ушбу даврнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари кадрлар органларининг тузилишини, кадрлар функциясининг ҳажми ва мазмунини, ходимлар билан ишлашни ташкил этиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларнинг ваколатларини қонуний равишда мустаҳкамлади; учинчидан, ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш илмий асосда амалга оширилди; турли даражадаги малакали кадрларга бўлган келажакдаги эҳтиёжларни прогнозлаш ва режалаштириш элементлари қўлланилди [24].

Мамлакатимиз мустақиллигининг қўлга киритилиши ва ўтиш даврида ички ишлар органларининг моддий-техник аҳволини яхшилаш, малакали миллий кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этишга қаратилган дастлабки ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, 1991 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 270-сонли қарори асосида Ўзбекистон ССР ИИБ – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилди. Қарор билан вазирлик Низоми ва структураси тасдиқланди. Кейинчалик ушбу сана мамлакатимизда ички ишлар органлари ходимлари куни сифатида белгиланди [25].

Умуман олганда, малакатимиз ички ишлар органлари тизими бугунги кунга қадар узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди, аммо бу йўл унинг чинакам халқчил тузилмага айланишида муҳим роль ўйнади.

References:

1. Спипына Е.А. Правовое обеспечение формирования кадровых ресурсов органов внутренних дел. Автореф. дис. канд. юрид. наук М, 2003. -С . 14.
2. Чупров В.М. Административно-правовые и организационные средства обеспечения кадровой политики в органах внутренних дел. Автореф. дис. канд. юрид. наук М., 2005. – С. 14., СУ РСФСР.-1917 -Jfe I.-CT 15.
3. Горобцов В.И., Гонюхов С.О. Российская полиция в мундире : учебное пособие. М., 2000. С. 65–66.
4. Об организации Советской рабоче-крестьянской милиции (инструкция) : постановление НКВД РСФСР от 13 октября 1918 г. // Известия ЦИК СССР и ВЦИК. 1918. № 223СУ РСФСР.-1918.-№75 - Ст 813
5. Разуваева Н.И. Подбор и аттестация кадров органов внутренних дел (административно-правовые и организационные аспекты). дис. канд. юрид. наук Воронеж, 2014. – 215 стр., А.Н. Савлук. Механизмы реализации государственной кадровой политики в условиях современной административной реформы специальность: Автореф. дис. канд. полит. наук. Санкт-Петербург , 2013. -С . 14.
6. URL: <https://qriiv.uz/uz/menu/iiv-tarihi> (Мурожаат этилган сана: 18.02.2023).
7. URL: <https://iiv.uz/oz/pages/vazirlik-tarixi> (Мурожаат этилган сана: 15.02.2023).



8. Спипына Е.А. Правовое обеспечение формирования кадровых ресурсов органов внутренних дел. Автореф. дис. канд. юрид. наук. М., 2003. -С . 14., И. А. Андреева, Е. С. Зайцева История органов внутренних дел России // Учебное пособие. 2017. Омск. С. 276.
9. Камалова Г. Т. Организационно-правовые основы деятельности советской милиции (1920-1923 гг.) // Вестник ЮУрГУ 2007. № 4. С. 17-18., Чердаков О. И. Народный комиссариат внутренних дел в правоохранительной системе Советского государства (1917-1936 гг.) // Право и политика. 2002. № 3. С. 120.
10. Кокурин А., Петров Н. НКВД: структура, функции, кадры // Свободная мысль. 1997. № 6. С. 103., Актуальные проблемы истории советской милиции. Сборник научных трудов. Минск, 1991., Мулукаев Р.С., Карташов Н.Н. Милиция России (1917-1993 гг.). Историко-правовой очерк. Орел, 1995., Епифанов А.Е., Кантемиров А.В. ОВД России: История становления и развития: Учебное пособие. Волгоград, 2005; Диденко А.А., Меняйло Д.В. История органов внутренних дел: Учебное пособие. Белгород, 2005.
11. Чупров В.М. Административно-правовые и организационные средства обеспечения кадровой политики в органах внутренних дел. Автореф. дис. канд. юрид. наук М., 2005. – С. 14., Диденко А.А., Меняйло Д.В. История органов внутренних дел: Учебное пособие. Белгород, 2005.
12. Спипына Е.А. Правовое обеспечение формирования кадровых ресурсов органов внутренних дел. Автореф. дис. канд. юрид. наук. М., 2003. -С . 14.
13. Разуваева Н.И. Подбор и аттестация кадров органов внутренних дел (административно-правовые и организационные аспекты). дис. канд. юрид. наук Воронеж, 2014. – 215 стр.
14. Резников А.А. Структура и кадровая политика органов внутренних дел СССР в 1945-1953 гг. Автореф. дис. канд. истор. наук. М., 2012. -С . 35.
15. Резников А.А. Структура и кадровая политика органов внутренних дел СССР в 1945-1953 гг. Автореф. дис. канд. истор. наук. М., 2012. -С . 35.
16. Мулукаев Р. С., Малыгин А. Я., Епифанов А. Е. История отечественных органов внутренних дел : учебник для вузов. М., 2005. С. 195.
17. СУ РСФСР.-1917 -Jfe I.-CT 15 ', СУ РСФСР.-1918.-№75 - Ст 813, СЗ СССР.-1936.-№36.- Ст 316.
18. Резников А.А. Кадровая политика органов внутренних дел СССР в послевоенные годы (1945-1946 гг.). // Вестник Московского университета. Серия 21. Управление (Государство и общество). Июнь 2011. №2. С. 124-132.
19. Резников А.А. Структура и кадровая политика органов внутренних дел СССР в 1945-1953 гг. Автореф. дис. канд. истор. наук М , 2012. -С . 17.
20. Сборник законов СССР и указов Президиума Верховного Совета СССР 1945-1946 гг. М., 1947. С. 13.
21. Чупров В.М. Административно-правовые и организационные средства обеспечения кадровой политики в органах внутренних дел. Автореф. дис. канд. юрид. наук М , 2005. -С



22. Кокурин А., Петров Н. НКВД: структура, функции, кадры // Свободная мысль. 1997. № 6. С. 103., Актуальные проблемы истории советской милиции. Сборник научных трудов. Минск, 1991.
23. Ведомости ВС СССР. - 1962. - № 8. - Ст.3., Ведомости ВС СССР - 1973. - № 43 - Ст. 603, Ведомости ВС СССР. ~ 1973. - № 24. - Ст. 309.
24. Кокурин А., Петров Н. НКВД: структура, функции, кадры // Свободная мысль. 1997. № 6. С. 103.
25. URL: <https://iiv.uz/oz/pages/vazirlik-tarixi> (Мурожаат этилган сана: 21.02.2023).